

КИНОСЦЕНАРИЙ – КИНОФИЛЬМНИНГ АДАБИЙ ВА ГОЯВИЙ- БАДИЙ АСОСИ

(Эркин Аъзамнинг “Танҳо қайиқ” киноривояти мисолида)

Исломжон ЁҚУБОВ,

Алишер Навоий номидаги ТошҶЎТАУ профессори, филология фанлари
доктори

islamxoja_yakubov@mail.ru

Вазирахон АХМЕДОВА,

Филология фнлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
vaziraahmedova1112@gmail.com

Аннотация: Ушбу мақолада ўзбек адиби Эркин Аъзамнинг “Танҳо қайиқ” киноривояти мисолида киносценарий кинофильмнинг адабий ва гоявий-бадиий асоси экани муаммоси ўрганилган.

Калит сўзлар: драма, киносценарий, кино, кинематография, синкретизм, дунёкараш, эстетик таъсир, эстетик дид, ижодкор шахсияти, поэтик маҳорат

КИНОСЦЕНАРИЙ – ЛИТЕРАТУРНАЯ И ВООБРАЖАТЕЛЬНО- ХУДОЖЕСТВЕННАЯ ОСНОВА КИНОФИЛЬМА

(На примере фильма Эркина Азама «Одинокая лодка»)

Аннотация: В данной статье на примере киноповеста «Одинокая лодка» узбекского писателя Эркина Азама исследуется проблема сценария, являющегося как литературной и идеально-художественной основой фильма.

Ключевые слова: драма, сценарий, кино, кинематография, синкретизм, мировоззрение, эстетический эффект, эстетический вкус, творческая личность, поэтическое мастерство

FILM SCENARIO IS THE LITERARY AND IMAGINATION- ARTISTIC BASIS OF THE FILM

(On the example of Erkin Azam's film “The Lonely Boat”)



Annotation: In this article, on the example of the film story “The Lonely Boat” by the Uzbek writer Erkin Azam, the problem of the script, which is both the literary and ideological and artistic basis of the film, is explored.

Keywords: drama, screenplay, cinematography, cinematography, syncretism, worldview, aesthetic effect, aesthetic taste, creative personality, poetic mastery

Маълумки, драма ва кино санъатларининг тасвир предмети харакатга асосланади. Экран санъатининг таркибий қисми бўлган кинематография техник воситалар асосида шаклланди. Ёзувчи-драматург, режиссёр, актёр, оператор, рассом, композитор каби ижодий ходимларни ягона жамоага жамлади ва бадиий ижод тури сифатида оммалашди. Зотан, у ўзида адабиёт ва театр, тасвирий санъат ҳамда мусиқа каби санъат турларининг эстетик жиҳатларини уйғунлаштириди. Йирик план, параллел монтаж, кенгайтирилган панорама каби ифодали воситалардан самарали фойдаланиш, айниқса, телевизор билан ҳамкорлик унинг имкониятларини орттириди. Полифониянинг турли шаклларини қўллаш эса кинони жанр ва услуб жиҳатдан бойитди. Шунинг учун унинг ғоявий-бадиий таъсир майдони инсон фикр-туйғуларига таъсир этиш, дунёқарашини шакллантириш, эстетик дидини юксалтириш каби ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий тарбия соҳаларини қамраб олди¹.

Кинодраматургия эса, бадиий адабиётнинг экранда кўрсатиш учун мўлжалланган алоҳида тури бўлиб, кино ва драматургия қўшилувидан юзага келган синкетик ҳодисадир. Бинобарин, кино асарининг адабий ва ғоявий-бадиий асосини киносценарий ташкил этади. Кинодраматург тасвир асносида кинонинг имкониятларини инобатга олиши, асарни унга мослаштириши лозим. Жумладан, мустақил асарнинг шакли ҳам адабий, ҳам кинематографик характерда бўлиши, ўзида яратилажак фильмнинг наинки мазмуни, балки структурасини ҳам акс эттириши лозим. Демак, унда насрнинг кўламдорлиги, драманинг ўткирлиги, поэзиянинг лирик латофати, тасвир ёрқинлиги, мусиқий равонлик, диалоглар кескинлиги каби омилларнинг ўзаро уйғунлашиви муҳим аҳамият касб этади.

Э.Аъзамнинг “Жаннат ўзи қайдадир”, “Шажара”, “Фаррош кампирнинг туши”, “Хонадон эгаси”, “Танҳо қайиқ ёхуд девонанинг орзуси” номли

¹ Абул-Касымова Х. Рождение узбекского кино. – Т. 1965; Тешабаев Дж. Пути и поиски. – Т. 1972; Тешабаев Дж. Узбекское кино: традиции, новаторство. – Т. 1979; Абул-Касымова Х., Тешабаев Дж., Мирзамухамедова М. Кино Узбекистана. – Т. 1985.

пьесалари республика театрларида саҳналаштирилди. Унинг “Чантриморе” (1990), “Пиёда” (1996), “Дилхирож” (2001), “Эркак” (2004), “Забаржад” (2007), “Сув ёқалаб” (2008), “Жаннат қайдадир” (2008), “Қарздор” (2010), “Паризод” (2012) каби ўнлаб асарлари кинолаштирилди. Юкорида саналган асарларнинг баъзилари республика кинотеатрларида муваффақиятли намойиш этилган бўлса, айримлари ҳатто халқаро майдонларда ҳам ҳақли эътироф этилди.

Жумладан, “Дилхирож” фильм Германия ва Франция телекранлари орқали намойиш этилиб, нусхаси Япониянинг Фукуоко киномузейидан ўрин олди. “Эркак” фильм “Киношок” халқаро кинофестивалида “Энг яхши сценарий” номинацияси бўйича ғолиб деб топилди. Шунингдек, Франциянинг Везуль шаҳрида ўtkазилган халқаро кинофестивалнинг Бош соврини – “Гран-при”га сазовор бўлди. “Забаржад” фильм “Московская премьера” ва МДҲ анжуманларида маҳсус диплом билан тақдирланиб, республикада ўtkазилган кинофестивалнинг “Энг яхши актриса” номинацияси ғолиблигига муносиб кўрилди. “Сув ёқалаб” фильм Москвада ўtkазилган “Золотой Витязь” (“Олтин Рицарь”) халқаро кинофорумида “Серебряный Витязь” (“Кумуш Рицарь”) совринига сазовор бўлди. Бу ютуқ асарнинг Нью-Йорк шаҳрида (АҚШ) бўлиб ўтган Осиё фильмлари кинофестивалида қатнашишига йўл очди. Бу гал “Энг яхши актёр” номинацияси ғолиблиги қўлга киритилди. “Паризод” фильм “Киношок” халқаро кинофестивалининг Бош совринини қўлга киритди.

Албатта, бундай ютуқлар Э.Азамнинг жаҳонгашталигига сабаб бўлди. Кинодраматург: “...ана шу анжуманлар ҳам каминага бир кинодарс бўлган”², дея эътироф этганидай, жаҳон бўйлаб ижодий сафарлари жараёнида Э.Аззам соҳанинг нозик асрорини ўрганди, кўплаб дўстлар ортириди. Аслида ҳам, кино асарларининг жанрлар бўйича ёхуд минтақалараро ўtkaziladиган конкурсли кўрик-танловлари жараёнида жаҳон кино санъатининг энг яхши ютуқлари намойиш этилади. Мукофотга лойиқ ва совринли ўринлар аниқланиб, соҳанинг кейинги ривожланиш йўналишлари белгилаб олинади. Турли халқ санъаткорлари ўзаро ижодий фикр алмашадилар. Санъат ва маданиятлар бир-бирига анча яқинлашади. Бинобарин, кинофестиваль сабоқлари Э.Азамнинг

² Эркин Аззам. Кинога қандай келиб қолганим. // Эркин Аззам. Танҳо қайик. Киноқиссалар. Шарқ НМАК Бош таҳририяти, – Т. 2017. – Б. 5.

Темурмалик Юнусов ва Юсуф Розиқов каби ўзбек кинорежиссерларидан ўрганганларини янада тўлдириди.

Умуман, ўзбек кинодраматургиясининг кейинги ривожида Э.Аъзам киноқиссалари ҳам муайян ўрин тутади, деб бемалол айтиш мумкин. Шуниси ҳам борки, муаллиф ўз ижод жараёни хусусида тўхталиб: “... мен уларга озмоз кино тусини бериб, дангал киноқисса атаб, аммо-лекин бошиданоқ китобга мўлжаллаб ёзаман: кино қилинса қилинар, бўлмаса ўқилар-ку”³, деб ёзади. Бу ҳол Э.Аъзам асарларида объектнинг пластик образи яратилгани, яъни уларда ижодкор шахсияти объектга сингдириб юборилгани, театр ва кинога асос бўлган бу бадиий матнларни ўқиб қабул қилиш ҳам мумкинлиги ҳақида сўзлаш имконини беради.

Масалан, Эркин Аъзамнинг “Танҳо қайиқ” киноривояти⁴ қирқ битта мўъжаз фаслдан иборат мозаика бўлиб, таркибий тузилишига кўра муқаддима, асосий қисм ва хотимадан иборат. Биз бу асарнинг бадиий матни ҳақида сўзлар эканмиз, фильм яратишнинг ишлаб чиқариш эмас, балки ижод томонинигина назарда тутамиз. Театр ва кино учун ёзилган сценарий негизида яқин ўтмишда содир бўлган Орол фожиасидек глобал муаммо турса ҳам, у реал борлиқнинг айнан ўзини акс эттирмайди. Аниқ ҳужжатлиликка ҳам даъво қилмайди.

Бинобарин, “Танҳо қайиқ” табиат ва жамият муаммосини ифодалаган тарихий мавзудаги сценарий бўлишига қарамай, соф илмий-оммавий асар ҳам эмас. Бу ҳол адабнинг нуқтаи назари, миллий ҳаётни қанчалик чуқур билиши, поэтик маҳорати, услуби, қаҳрамонлар ички дунёси: (миллий қиёфаси, фикр-ўйлари, руҳий-психологик драмаси) ни қандай очиб бера олгани маслаларини таҳлил ва тадқиқ этиш, сценарийнинг бадиий қимматини баҳолашга тўсиқ бўлолмайди.

Одатий шакл мазмунлардан қочишга уринган ва томошабинни жалб қилишнинг янги йўлларини излаган Э.Аъзам мазкур асарда ижтимоий-маърифий муаммоларни шоирона романтик нигоҳ билан кузатди. Тарихий мавзуга замонафий талқинни олиб кириш учун гоҳ фольклор ва мумтоз адабиётга хос бадиий ифода усулларига, гоҳ ижтимоий-фалсафий талқинларга мурожаат қилди.

Жумладан, асар жанри “киноривоят” тарзида белгиланишидаёқ ҳалқ оғзаки ижодининг “ривоят” жанри тажрибалари ижодий ўзлаштирилганига

³ Эркин Аъзам. Ўша жойда. – Б. 6.

⁴ Эркин Аъзам. Танҳо қайиқ. Киноривоят. // Эркин Аъзам. Танҳо қайиқ. Киноқиссалар. Шарқ НМАК Бош таҳририяти, – Т. 2017. – Б. 171-212.



ишора қилинган. Асар муқаддимаси (171-172 -б.) халқ ривоятлари сингари ҳикоячи баёни билан бошланади. Гарчи асарда халқ қаҳрамонари ёхуд реал тарихий шахслар иштирок этмаса ҳам, унинг бош ғояси асосида тарихий вөкелик ётади. Орол фожиасининг асл сабаблари изланади. Одоб-аҳлоқ, элсеварлик, имон-эътиқоднинг идеал мөйёрлари ташвиқ этилади. Қистирма эпизод сифатида киритилган пир ва оқибатли мурид ҳақидаги ривоят ҳам худди мумтоз адабиёт анъаналаридаги сингари киноривоят мазмунига сингдирилиб, Ҳақнинг улуғ даргоҳидан умидвор Орол бобо руҳияти теран эътиқод ва кўнгил одами сифатида очишга хизмат қилдирилади. (189-б.) Бобони қўллаб турувчи номаълум отлиқ образи ҳам ғойиб бир банда сифатида талқин қилинади. Бундай ҳолнинг ота-бала диалогига кўчиши киноривоятда фикр-қарашлар зиддиятини ёрқин намоён қиласди:

Қалимбет: – Ие, ие! Ҳажга ҳам-а? Ота, ўйлаб гапиряпсизми ўзи? Сиз бормай ким борсин ҳажга?! Бировга ёмонлик қилмаган бўлсангиз, хиёнат қилмаган бўлсангиз, ҳеч кимнинг молу жонига кўз олайтирмасангиз...

Орол бобо: – (эриб кетиб). Рости-ку, бир-икки дафъа чоғланиб ҳам кўрганман, ўғлим. Юрак дов бермади-да: ўзинг ким бўпсан-у, ҳажни орзу қилсанг дегандай. Лекин ичимдаги бир сирни айтсам: баъзан худдики бориб келганга ҳам ўхшайман! Нияти билан-да...

Қалимбет: – (жонланиб). Ана энди чинакамига бориб келасиз, отабой! Ҳамма ҳужжатларингиз тайёр!

Орол бобо: – (оғзи очилиб). Ия, бир оғиз олдимдан ўтсанг бўларди...

Қалимбет: – Ўтсам-ўтмасам, энди масала ҳал! Азза-базза биттасининг ўрнига гаплашганман-а!...

Орол бобо: – Нима? Бировнинг ўрнига?! (У балодан қочган каби, икки кўли олдинда, тисланиб). Бормайман! Ўйлаб қилдингми ўзи шу ишни, Қалимбет! Гуноҳ-ку бу ахир, гуноҳи азим!⁵

Адабий-бадиий матн таркибидағи юқоридаги нутқий мулоқот (диалог) дан кўринадики, Орол бобо наинки персонажлар эътирофига кўра, балки нияти, сўзи ва амалининг поклигига кўра ҳам теран эътиқод одами сифатида ўз жигарбанди Қалимбет ва шу типдаги қавмдан кескин фарқланади.

Шу маънода, Орол бобонинг денгизни ўз аслига қайтариш йўлидаги юксак орзу-интилишлари ҳам бир жиҳатдан, Э.Аъзамнинг табиатни асраш

⁵ Эркин Аъзам. Танҳо қайқ. Киноривоят. // Эркин Аъзам. Танҳо қайқ. Киноқиссалар. Шарқ НМАК Бош таҳририяти, – Т. 2017. – Б. 195.

муаммосига эътиқодий мазмунда жавоб излаши, Қуръони карим оятлари ва Ислом таълимотларига мурожаат қилишидан озиқланади. Зотан муқаддас китобнинг “Анбиё” сураси 30- оятида: “... ва сувдан ҳар бир тирик нарсани қилганмиз”- дейилса, “Нур” сурасининг 45- оятида: “Аллоҳ ҳамма жониворни сувдан яратди” - дея марҳамат қилинади.

Дарҳақиқат, жонли коинотнинг асли ҳам, таркиби ҳам сув бўлиб, ер юзида сувсиз ҳаётни тасаввур қилиб бўлмайди. Айни масала хусусида баҳс юритган Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф сув неъмати ва уни исроф қилмаслик ҳақидаги ҳукмлар хусусда тўхталиб: “Ислом умматининг ўтган авлодларининг сувга бўлган эътиборлари шу даражага етганки, ҳатто уламоларимиз фикҳ китобларида: “Денгиздан олганда ҳам сувни исроф қилмаслик ҳақида” деган боблар очганлар”⁶, деб ёзадилар.

Демак, киноривоят ёзилаётган пайтда Э.Аъзам сув Аллоҳнинг улкан неъмати экани, уни исроф ва ифлос қилмаслик ҳақидаги исломий кўрсатмалар билан танишган ва муҳаддисларнинг ривоятларини имкон қадар характерлар тийнатига сингдиришга интилган. Орол бобонинг золим қавмдан йироқроқ бўлишга интилиши, ҳаётини гўзал инсоний сифатлар билан зийнатлаши, ният холислигида ҳикмат кўп эканига астойдил ишониши иймони бут, қалбий ибодатдаги зот эканига далолат бўла олади.

Муаллифнинг воқеа давомидаги саҳна ҳаракати ва нутқ жараёни билан боғлиқ тафсилотларга берган изоҳлари – ремаркалар ҳам содир бўлаётган воқелик моҳиятини тасаввурда жонлантиришга хизмат қиласи. Зотан биз ремаркалар орқали Э.Аъзам нигоҳи ўша воқеаларни қандай “кўрди” ва персонажларнинг гап-сўзларини қандай “эшитди?”, деган саволга ишончли жавоб топамиз ва қисман унга эргашамиз. Жумладан, фарзандининг ҳаж сафари ҳақидаги таклифи ва отасига бўлган эътиборидан Орол бобо дастлаб ҳар қандай ота сингари “эриб кетиб” турса, ўз ичкин дардлари, холис ниятларини баён қилганида “жонланиб” кетади. Қалимбет унинг бир оғиз фикрини сўрамай тақдирини ҳал қилганидан “оғзи очилиб” қолади. Бир мусулмон бандани зор қақшатб ҳам Қалимбетнинг бир туки ўзгармай туриши – мицминларни муқаддас ибодат сафарига жўнатишга ҳам таниш-билишлик аралашганидан хабар топганида: “У балодан қочтан каби, икки қўли олдинда, тисланиб” каби изоҳ берилади. Юқоридаги сингари вазият-ҳолат талабига кўра содир бўлувчи ўзгаришлар Орол бобонинг овоз тони, оҳангиги, темпи,

⁶ Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Иймон. Шарқ НМАК Бош таҳририяти, – Т.2006. – Б.84

паузалари, тана ҳолати, юз-кўз, қўл ҳаракатлари ифодаси, имо-ишоралари ҳамда кескин қилиқлари орқали кўрсатилади. Шубҳасиз, Э.Аъзам бундай тафсилотларни бериш орқали бир жиҳатдан, саҳнавийликни кучайтиrsa, иккинчи томондан қаҳрамон ҳарактерини ички ва ташқи ҳаракат уйғунлиги жараёнида кўрсатишига эришади.

Гувоҳи бўлганимиздек, киноривоятда умрининг болалик (“Оролбала”), ўсмирлик (“Оролтой”), йигитлик (“Оролбой”) дамларини ортда қолдириб, эндиликда ҳаётининг кексалик босқичига қадам қўйган шахс (“Орол бобо”) ҳаёти тасвирланган. Асл исми унитилиб кетган, қадрдон денгизидан айрилган балиқчи Орол бобо доимий ҳамроҳи бўлмиш севимли қайифини уйининг томига чиқариб, эъзозлаб келади. Унинг ўз шогирдлари билан биргаликда янги қайиқлар ясад, яхши одамларнинг томларига ўрнатиши билан боғлиқ тафсилотларда мажозий талқин билан бир қаторда, қаҳрамон табиатидаги девонавор орзулар ҳам бўй кўрсатади. Аслида, асарнинг театр саҳнасига мўлжалланган варианти: “Танҳо қайиқ ёхуд девонанинг орзуси” тарзда номланганида айнан шу жиҳат назарда тутилган эди.

Англашиладики, Орол бобо зоҳирлан девонасифат чолдай туюлса ҳам, аслида у теран ихлос ва қанот кишиси. Шунинг учун ҳам у Орол денгизининг қуришини: “Ичига шайтон оралаган бандалар Худонинг ғазабини қўзғагани” билан изоҳлайди. Ўғлининг “даъват”ларига кўниб, кўч-кўронини орқалаб шаҳарга кетишини ота-боболари ва жуфти ҳалоли хоки туроб бўлган азиз маскан ҳамда бир умрлик қадрдон эшкаги ю қайиғига хиёнат деб билади. (179-180-б.) Ўзи ясаган қайиқларни имон-эътиқодли, ҳалол ва пок кишиларнинг томларига ўрнатишдан чарчамайди. Чунки том бошидаги қайиқлар бобонинг осмондан ёмғир, денгиздан сув сўраш билан боғлиқ илтижоларининг моддий рамзларидир. (183-б.)

Албатта, Орол бобонинг хатти-ҳаракатлари ўғли Қалимбет, қизи Гулзира ва унинг дугонаси Роҳат Собировна, Ўтаган (севимли шогирди Генжамуроднинг отаси) сингари ҳар нарсадан иқтисодий манфаат изловчи, улуғ мақсадлардан мосува кимсаларга “девона”лик бўлиб туюлади. Айниқса, хотин киши соясида бизнес қилишдан ор қилмай, уни депутатликка кўтарган яқинлари ҳомийлигига ошиғи олчи бўлиб яшаётган Гулзира ўзини замонавий, отасининг “қилиқлари”ни эса савдоийлик деб ҳисоблайди. Шунинг учун у ўз падари бузрукворини жиннихонага тиқишигача бориб етади. Таъкидлаш ўринлики, чолнинг бу масканга ётқизилиши ва яхши кишилар кўмагида сирли

тарзда қутулиши билан боғлиқ ўринларда эртакона баён ва детектив талқинлар ҳам кўзга ташланади. Бот-бот қадр ортидан сеҳрли овоз эшитилиб туради. Бу овоз Орол бобога отамерос балиқчилик касби, ўз кечмиши, хусусан севгилиси Ойкумуш билан боғлиқ ёрқин хотиралар ва бутун қилмиш-қидирмишларини эслатиб туради. Афсуски, драматург “овоз” деталини бош қаҳрамон қалб нидоси даражасига юксалтира олмайди.

Аён бўладики, замон инсон ва она табиатда ўз нуқсини қолдирган. Бироқ, отамакондаги ўзгаришларнинг барчаси Орол бобонинг ҳаёти, аниқроқ айтганда, у умргузаронлик қилаётган манзил-маъвога чамбарчас боғланган қисмати билан боғлиқ тарзда юз берган. Бир инсон умрига тенг фурсатда содир бўлган мудҳиш ҳодиса – денгизнинг олисларга чекиниб, ўрнида қум бўронли сахронинг пайдо бўлиши ўзининг бутун ижтимоий-маънавий залвари билан чолнинг ичида, азиз хотираларида яшайди.

Асарнинг хотима қисмида энақайиқни эъзозлаган оқ қалпоқли Орол бобо ва тўрт навқирон ўғлон (Жумабой, Тиловберган, Генжамурод, Амет) ташналик азобидан қийналишади. Албатта, Э.Аъзам бу ташналикка рамзий маъно юклашга интилган. Бу ҳол қаҳрамонлар фикрини денгиз ҳақидаги азиз хотиралар, унга бўлган соғинч, уммонга етиш орзуси ва муттасил олға интилиш ҳисси тарқ этмаганида намоён бўлади. Муҳими, мақсади аниқ бўлган қаҳрамонлар бир нафас ҳаракатдан тўхташмайди. Покиза ниятлари уларнинг умидларига қанот бағишлайди.

Хуллас, Э.Аъзамнинг “Танҳо қайиқ” киноривоясида обьектнинг пластик образи яратилган бўлиб, асарда мужассам бош ғоя унинг рамзий-мажозий мазмуни, ахлоқий-фалсафий ва дидақтик моҳиятини белгилаб беради. Демак, киносценарий кино асари адабий ва гоявий-бадиий асосини ташкил қиласди.

Research Science and Innovation House